

Ислон билим юртларига кириш тест синовлари куни эълон қилинди



11:30 / 16.08.2021 1346

Ўзбекистон мусулмонлар идораси тасарруфидаги Ислон билим юртларига ўқишга қабул қилиш бўйича тест синовлари 2021 йил 18 август куни 2-сменада бўлиб ўтади ва 19:00 да бошланади.

Тест синовлари республика бўйича қуйидаги очиқ майдонларда ўтказилади:

Қорақалпоғситон Республикаси – “Турон” марказий стадиони;

Андижон вилояти – Спортнинг ўйин турлари ва енгил атлетикага ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби стадиони (3-сектор);

Наманган вилояти – 17-болалар-ўсмирлар спорт мактаби “Навбахор-умид” стадиони;

Бухоро вилояти – “Дилкушо” теннис спорт мажмуаси;

Хоразм вилояти – Футбол академияси қошидаги “Хоразм” спорт мажмуаси (1-сектор);

Сурхондарё вилояти – Термиз ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати футбол майдони;

Қашқадарё вилояти – “Насаф” футбол клуби машғулотлар майдони (2-сектор);

Тошкент шаҳри – Ботаника боғи (1-2-3-4-секторлар).

Талабгорлардан тест синови ўтказиладиган ҳудудга шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва тест синовида иштирок этиш учун рухсатнома билан 18:30 дан кечикмаган ҳолда келишлари сўралади.

Талабгорлар тест синовида иштирок этиш учун рухсатномани Ўзбекистон мусулмонлар идорасининг qabul.muslim.uz sayti ҳамда [@qabulmuslimuz_bot](https://t.me/qabulmuslimuz_bot) ва [@qabulmuslimuz2_bot](https://t.me/qabulmuslimuz2_bot) telegram ботлари орқали олишлари мумкин.

Манба: Давлат тест маркази